



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 13 сентябр, шанба № 144 (1569)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЖАЙҲУН СОҲИЛИДАГИ ГАВҲАР

Тарихимизнинг кўҳна ва теран илдизларидан бўлган ва ҳозирги кунда ҳам юртимизнинг чиройига чирой, салоҳиятига салоҳият қўшиб келётган кутлуг масканларни обод қилиш, қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарларимизнинг тўйларини нишонлаш тажрибаси истиклол йилларида хайрли анъаналарга айланган.

Бугун Қорақалпоғистон Республикасида худди шундай шодиёна - Нукус шаҳрининг 70 йиллиги тантанали нишонланмоқда.

Нукус Қорақалпоғистоннинг марказий қисмида, Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Шаҳар аҳолисининг миллий таркиби хилма-хил: бу ерда ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, руслар, корейслар, татарлар, украинлар, қирғизлар ва бошқа миллат вакиллари қорақалпоқлар билан ҳамжиҳат, дўсту иноқликда яшайди.

Мамлакат миқёсида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохот ва унинг юксак самаралари Нукус шаҳрининг янги тарихи саҳифаларидан ёрқин жой олмоқда.

Бу ерда йирик халқаро тадбирлар ўтказиш анъана тусини олаётди. Орол денгизини муаммоларини ҳал қилиш юзасидан қатор халқаро ҳужжатлар имзолангани, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Оролбўйи ҳавзасидаги экологик вазиятни яхшилаш, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини белгилаб олишга бағишланган иккинчи йилги ўтказилгани шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 8 майда «Нукус шаҳрининг 70 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қўриш тўғрисида» қарор қабул қилган, шаҳар бўйлаб кенг кўламда

бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Нукус шаҳрининг 70 йиллиги тантаналарида иштирок этиш учун 12 сентябр кунини бу ерга келди.


Президент Ислон Каримовнинг Нукусга ташрифи шаҳар остонаси - аэропорт билан танишувдан бошланди.

Давлатимиз раҳбари шаҳарда бунёд этилган замонавий спорт мажмуини кўздан кечирди. Ушбу спорт саройи барча қўлайликларга эга. Уни қўриш ва жиҳозлашга Қўнғирот сода заводи, «Оролсувқурилиши», «АРЗ-16», «Таъмирлаш заводи», «Қизқеткен» кўчма механизациялашган жамланмаси яқиндан кўмак берди.

Президентимиз Нукусда яқинда қад ростлаган Санъат музейининг янги биносига ташриф буюрди. Ушбу бино махсус лойиҳа асосида бунёд этилган. Уч қаватли бино 3 минг 100 квадрат метр кўрғазма майдонига эга.

Музейнинг икким мувозанатини сақлаш, хоналарда мўстадил ҳароратни ушлаб туриш учун ҳоризнинг қўлай ускуналари ўрнатилган. Бу ерда музей фаолиятга зарур барча жиҳозлар, ноёб асбоб-ускуналар мавжуд.

(Давоми 2-бетда)



Президент Ислон Каримовнинг Нукус шаҳрининг 70 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Мухтарам меҳмонлар! Бугун биз қорақалпоқ элининг гўзал пойтахти, юртимизнинг шимолӣ дарвозаси бўлиб Нукус шаҳрининг 70 йиллик тўйини байрам қилмоқдамиз.

Мана шу кутлуг сана муносабати билан сиз, азизларим, сизларнинг сиймоғида бутун Қорақалпоғистон аҳлинин қалбимдан муборакбод

этиб, барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилақларимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Қадри дўстлар! Бугун биз навқирон Нукус шаҳрининг қатта тўйини нишонлар эканмиз, бу шаҳар тимсолида Қорақалпоғистон дёбирида рўй бераётган янгиликларни, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, одамларнинг турмуш тарзида содир бўлаёт-

ган ижобий ўзгаришлар ҳақида гапиришимиз табиӣ, албатта.

Бу ўзгаришлар, авваламбор, қорақалпоқ халқининг машаққатли меҳнати ва гайрат-шижоати билан эришилган қатта ютуқларда, шаҳар ва қишлоқлар, овулларнинг тобора обод бўлиб, республика ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтириб бораётганида, янги-янги иншоотларнинг ишга туширилаётганида яққол

намоён бўлади.

Булар қаторида минтақамизда ягона бўлган Қўнғирот сода заводи, Ҳўжайли шиша заводи, «Марказий Осиё безак тошлари» қўшма корхонаси, Қўнғиротдаги қарбид, Нукусдаги мармар ва кабель заводлари, Ўрга газ қони, «Элтекс» ва «Катекс» каби замонавий ишлаб чиқариш мажмуаларини мисол келтириш мумкин.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари! Ҳар йили 11 сентябр кунини америкаликлар 2001 йилдаги террорчилик ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлган ватандошлари хотирасини чуқур қайғу ва эҳтиром билан ёд олади. Бироқ, ўша кунини фақат америкаликларгина ўз яқинларидан жудо бўлгани йўқ. Бошқа кўплаб мамлакатлар фуқаролари ҳам ҳалок бўлгани ёдимизда. Ватандошларим ҳамда шахсан ўзим сизларнинг қайғунгизга шерикмиз ва ўша террорчилик ҳаракатлари чоғида ҳалок бўлган ҳамюртларингиз хотирасига ҳурмат бажо келтириш ва хотирлашда сиз билан биргамиз.

Террорчилар тинч аҳоли ҳаётига зомин бўлиб, тобора кенг кўламда қўрқув ва парокандалик уруғини сочиш ниятида. Улар цивилизацияга таҳдид солиб, низоларни ҳал этишнинг тинч ва оқилона усулларини инкор этмоқда. Террорчилар бошқаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини менсимай, тараққий этган дунёнинг барчамиз муносиб ҳаёт кечиршимиз учун зарур бўлган эркинлик, ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик каби қадриятларига беписандлик билан қарамоқда.

Террорчиликка қарши кураш узоқ давом этади ва оғир кечади. Биз бу курашни ўзимиз ва фарзандларимизнинг ҳаёти учун, шунингдек, террорчилик қурбонларининг ёрқин хотираси учун давом эттирмаймиз.

Эҳтиром билан,
Жорж БУШ,
АҚШ Президенти

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизминини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизминини такомиллаштириш шартнома мажбуриятларига риоя этилиши ва қурилишнинг пировард натижалари учун инвестиция жараёни катнашчиларининг жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 мартдаги 97-сон, 2002 йил 8 октябрдаги 347-сон ва 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорларини пудрат қурилиш ташкилотларини, айниқса паст рентабелли ва зарар қўриб ишлаётган ташкилотларни хусусийлаштириш дастурларини бажариш юзасидан ишларнинг қоникарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда лойиҳа қилиб ишлатилган тўлиқ хусусийлаштирилган лойиҳалаштириш ва қидирув ташкилотлари рўйхати маълумлансин.

2. 2003-2004 йилларда тўлиқ хусусийлаштирилган лойиҳалаштириш ва қидирув ташкилотлари рўйхати маълумлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда лойиҳа қилиб ишлатилган тўлиқ хусусийлаштирилган лойиҳа ишлари бозорда рақобат муҳити барпо этилишини таъминласинлар.

3. Қуйидагилар: Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом;

(Давоми 2-бетда)

Жаҳон кубоғи - 2003 МУАЙТАЙЧИЛАРИМИЗ ГАЛАБАСИ

Алмати шаҳрида спортнинг муайтай тури бўйича Жаҳон чемпионати бахслари ниҳоясига етди. Дунёнинг 44 мамлакатидан икк сара муайтай усталари иштирок этган бахсларда Ўзбекистондан 18 нафар спортчи иштирок этди. 10 нафар вақилимиз совриндорлар сафидан жой олди.

Истеъдодли муайтайчилар Умид Файзиев ва Асил Мусоевлар мусобақа галибига айланган бўлса, Хуршид Эшонхўжаев, Камол Кенжаев, Дилшод Иноғомовлар финалда рақибларига имкониятни бой бериб қўйишди. Тўрт қарра жаҳон чемпиони Эркин Қўтибоев ўта оғир вазнда ярим финалда австриялик рақибини 2-раунддаёқ нокаут ҳолатига тушириб, финалга йўл олган эди. Хал қилувчи бахсда унга украинлик ўта оғир вазили Сергей Архиповга қарши жанг қилишига тўғри келди. Бахсда ҳамюртимиз очколар ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди. Агар у шу жангнинг галабаси билан аяқланганда, 5 қарра жаҳон чемпиони айланган бўларди.

Эркиннинг бу мағлубиятига сабаблар кўп. Авваламбор у ўз вазидан анча оғир рақибга дуч келди. Боз устига, ўта оғир вазнда илк марта иштирок этаётган эди. Шундай бўлса-да, спортчиларимиз ақолиб галабага эришилди. Фурсаддан фойдаланиб, ушбу чемпионатга тайёргарлик жараёнида бизга яқиндан ёрдам берган Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясига ўз миннатдорчилигини билдираман, - дейди терма жамоа бош мураббийи Замирбек Қосимбеков.

А. ЮНУСОВ

Тармоқ спартакиадаси Наманган шаҳрида халқ таълими ходимларининг навбатдаги спартакиадаси бўлиб ўтди.

Гуллар маскани деб ном олган Фарғона водийсидан бу мафтункор шаҳар ва вилоят мамлакат спортчиларимиз беллашувлари ўтказилган масканга айланиб бораётгани бежиз эмас. Кейинги йилларда бу ерда ишловчиларни, ўқувчи-талабаларни соғломлаштиришнинг боз омили ҳисобланган спортни ривожлантиришга қатта эътибор берилмоқда. Бирин-кетин вилоят марказида қад ростлаган теннис корти, «Паҳлавон», «Алломиш», «Ешлар спорт мажмуаси» каби қатор иншоотлар, барча турман ва шаҳарларда қурилиб фойдаланишга топширилган ўйингоҳлар, бунинг натижаси ўларок Наманганнинг Ўзбекистонда спорт энг ривожланган вилоят сифатида тан олинганлиги сўзимиз далилидир.

ҲЕЧ КИМ ЮТҚАЗМАДИ

«Паҳлавон» спорт мажмуасида спартакиада очилишига бағишланган маросим гўят тантанали ружда ўтди. Маросимда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма Марказий қўмитасининг расиси З.Қодиров ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари У.Мусоевлар мусобақа иштирокчиларини қизғин табриқладилар. Шундан кейин спартакиада байроғи кўтарилди. Муҳандислик-педагогика институти, Академик лицей ва «Шохрух» спорт клубида ўтказилган беллашувлар гўят муросазлиги билан ажралиб турди.

Учрашувлар натижаларига кўра мини-футбол бўйича биринчи ўрин наманганликларга, иккинчи ўрин Тошкент шаҳри, учинчи ўрин Фарғона вилояти вакилларига насиб этди.

Стол теннис бўйича бахсларда ҳам наманганликлар галиблик шохуспасига кўтарилдилар. Иккинчи ўрин Бухоро, учинчи ўрини самарқандлик спортчилар эгалладилар. Шохмат бўйича галиблик эса Андижон вилояти вакилларига насиб этди. Иккинчи ўрин Наманган вилояти, учинчи ўрини Тошкент шаҳри спортчилари эгалладилар.

Шаҳка бўйича мусобақада биринчи ўринни Сирдарё вилояти вакиллари забт этишди. Иккинчи ўрин ва учинчи ўрини Наманган ҳамда Фарғона вилояти вакиллари бўлишиб олдилар. Арқон тортиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари тенг келадиган топилмади. 2-ўринни Навоий, 3-ўринни Хоразм вилояти вакиллари кўлга киритишди. Қўл жангида биринчи ўринга Наманган вилояти вакиллари, иккинчи ўринга Сирдарё вилояти ва учинчи ўринга Фарғона вилояти вакиллари кўтарилдилар. Умум жамоа ҳисобида Наманган вилояти вакиллари галиб деб топилди. Иккинчи ўрин Сирдарё вилояти, 3-ўрин Тошкент шаҳри спортчиларига насиб этди.

Галиблар Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма Марказий қўмитасининг соврин ва мукофотлари ҳамда Наманган вилояти халқ таълими бошқармасининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

О. ЖУМАЕВ

АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД), Каунтерпарт Консорциум ва ЗдравПлюс лойиҳаси томонидан молиялаштирилаётган уч йилга мўлжалланган «Соғлом ҳамжамиятлар» қўшма грантлар дастурининг учинчи босқичига танлов эълон қилинди.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Жорий йил бошида аҳоли саломатлигини яхшилаш йўлида фаолият олиб бораётган ноҳукумат, жамоат ташкилотлари ва гуруҳларга қўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқилган ушбу дастурда икки турдаги, яъни жамоат ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш ва соғлиқни сақлашга қаратилган грантлар тақдир этилган эди.

Биринчи грант маҳаллий ноҳукумат, жамоат ташкилотлари ва гуруҳларга маҳаллалар билан ишлашда аниқ белгиланган тиббий муаммоларни ҳал этишда ёрдам кўрсатади. Соғлиқни сақлашга қаратилган грант эса, жойлардаги бирламчи тиббий ёрдам ходимларига лойиҳаларни амалга оширишда қўмак-

лашади.

Мазкур грантлар аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, кишлоқ тиббий муассасалари фаолиятини яхшилаш, аҳолини даволлаш бўйича ахборот ва ўқув материалларидан фойдаланишни таъминлаш, соғлиқни сақлашда илғор услубларни ишлаб чиқиш каби устувор йўналишларни ўз ичига олади.

Ҳар бир грант учун беш миллион сўмдан ажратилган бўлиб, уларни амалга оширишда Каунтерпарт Консорциум ва ЗдравПлюс вакиллари талабгорларга дастур асосида тушунтириш ишлари олиб боради ва техник ёрдам кўрсатади.

(УЗА)

Жамоа шартномалари қандай бажариляпти?

Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов Қашқадарё вилоятида бўлганларида воҳа халқининг ҳаёти, турмуши билан қизиқдилар. Мулоқотлар давомида юртбошимиз фуқаролар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, ислохотларни барча йўналишларда жадаллаштириш, Қашқадарёни янада гўзал ва обод қилиш борасида йўл-йўриқлар бердилар.

Ислохотларнинг чуқурлашуви, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида меҳнатқашлар манфаатларини ҳимоялаш касабаси уюшма ташкилотларидан ишга тамомла янги қа- ёндошушни талаб этмоқда.

Вилоят касабаси уюшма ташкилотлари ўз фаолиятларини қайта қўриб чиқиб, давр талабига мос равишда йўналтирдилар. Кенгаш 1991 йилда 512 минг нафар касабаси уюшма аъзоларини ўз сафларига бирлаштирган

бўлса, ҳозирги пайтга келиб уларнинг сони 543 минг нафардан ошиб кетди.

Касабаси уюшмаларининг савий-ҳаракати билан меҳнатқашлар ва ўқувчи-ёшларни ижтимоий иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлаш, меҳнат қонучилигига риоя этилиши, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, маданий-маърифий савиясини ошириш, жисмоний тарбия ва

спортни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратишда ижобий натижаларга эришилди.

Иш беврувчи ва ходимлар ўртасида меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнатқашлар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда жамоа шартномалари ва келишувлари муди уларнинг сони 543 минг нафардан ошиб кетди.

Аммо, айрим касабаси уюшмалари ўз фаолиятларини давр талаблари даражасида олиб бормаяптилар. Улар иш беврувчилар билан меҳнатқашлар ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ма-

саларини дадил кўтариб чиқмайдилар. Касабаси уюшма раҳбарларини танлаш, тарбиялаш янги йўлга қўйилмаган.

Вилоят ҳокимлигининг касабаси уюшма фаоллари билан бўлиб ўтган учрашувида ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда иш беврувчи ва касабаси уюшмалари ўртасида ижтимоий шерикчилик тамойилларини мустақамлаш вазифалари ҳақида сўз юритилди.

Касабаси уюшмалари вилоят кенгашининг расиси Э.Раҳабов, агрономот мажмуи, ёқилғи, энергетика, геология ва қимё саноти, таълим ва фан ходимлари, кичик, урта бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ҳодимлари ва хусусий тадбиркорлик, соғлиқни сақлаш хо-

димлари касабаси уюшмаси тармоқ қўмиталарининг раҳбарлари Ю.Мелентьев, С.Х.амроев, Ш.Кубаев, Х.Саидов, С. Рустамов ва «Қашқадарё соҳили» санаторийсининг бош ҳақими А.Ақбаров амалга оширилган ишлар, ютуқ ва камчиликлар ҳақида батафсил ўрталдилар.

Вилоят бўйича қайд этилган 19 мингта кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимояси билан шуғулланиш, хўжалик ташкилотларининг ҳамкорлигида ҳар бир муқтосод қилишга манзилли моддий ёрдам кўрсатиш вазифалари белгиланди. Вилоят ҳокимлиги билан касабаси уюшмалари томонидан ҳамкорликда олиб бориладиган ишларни такомиллаштириш мақсадида мувофиқлаштирувчи кенгаш тўзилди.

Изаат ҲИҚМАТОВ,
«Ишонч» муҳбири

ЖАЙҲУН СОҶИЛИДАГИ ГАВҶАР

(Боши 1-бетда)
Санъат музейида бугунги кунда 90 мингга яқин экспонат сақланмоқда. Музей Оролбўйида яшовчи халқларнинг қадим ўтмиши ва бугунги кундан гувоҳлик берувчи жуда бой тарихий ва илмий манбага эга. Ислам Каримов Оролбўйи қадим ўрта аср тарихига оид асори-атиқалар, халқ амалий санъати намуналари, Қорақалпоғистоннинг замонавий



гани шулар жумласидандир. Халқлар дўстлиги, Ажиниёз ва Муस्ताқиллик майдонлари, Наврўз Жапақов ва Пиржон Сейитов номидаги хибонлар шахарликлар ором оладиган гўзал масканларга айланди. Бу улғувор ишлар Истиқлол берган имкониятлар, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, халқимизнинг дунёда бошқалардан кам бўлмайдиган ҳаётга эришиш, чинакам



музей музейида бугунги кунда 90 мингга яқин экспонат сақланмоқда. Музей Оролбўйида яшовчи халқларнинг қадим ўтмиши ва бугунги кундан гувоҳлик берувчи жуда бой тарихий ва илмий манбага эга. Ислам Каримов Оролбўйи қадим ўрта аср тарихига оид асори-атиқалар, халқ амалий санъати намуналари, Қорақалпоғистоннинг замонавий

музей музейида бугунги кунда 90 мингга яқин экспонат сақланмоқда. Музей Оролбўйида яшовчи халқларнинг қадим ўтмиши ва бугунги кундан гувоҳлик берувчи жуда бой тарихий ва илмий манбага эга. Ислам Каримов Оролбўйи қадим ўрта аср тарихига оид асори-атиқалар, халқ амалий санъати намуналари, Қорақалпоғистоннинг замонавий

музей музейида бугунги кунда 90 мингга яқин экспонат сақланмоқда. Музей Оролбўйида яшовчи халқларнинг қадим ўтмиши ва бугунги кундан гувоҳлик берувчи жуда бой тарихий ва илмий манбага эга. Ислам Каримов Оролбўйи қадим ўрта аср тарихига оид асори-атиқалар, халқ амалий санъати намуналари, Қорақалпоғистоннинг замонавий

музей музейида бугунги кунда 90 мингга яқин экспонат сақланмоқда. Музей Оролбўйида яшовчи халқларнинг қадим ўтмиши ва бугунги кундан гувоҳлик берувчи жуда бой тарихий ва илмий манбага эга. Ислам Каримов Оролбўйи қадим ўрта аср тарихига оид асори-атиқалар, халқ амалий санъати намуналари, Қорақалпоғистоннинг замонавий

Президент Ислам Каримовнинг Нукус шахрининг 70 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

(Боши 1-бетда)
Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистоннинг, жумладан, Қорақалпоғистоннинг ҳам энг заиф нуқтаси - бу коммуникация масаласи эканини мен доимо таъкидлаб келман. Ана шу ўта муҳим муаммони ечиш бўйича мамлакатимизда кўп ишлар қилинган ва қилинаётганидан сизлар яхши хабардорсиз.

Айниқса, 345 километрли Навоий - Нукус темир йўли, Нукус билан Хўжайлини боғлайдиган улкан кўприк, Кўнғирот автомобиль йўли каби муҳим стратегик иншоотлар бу заминдаги беҳисоб табиий захираларни ўзлаштиришга, улардан авваламбор қорақалпоқ халқининг, бутун юртимизнинг фаровонлиги йўлида фойдаланишга хизмат қилади.

Ана шундай одамларнинг оғирини энгил қилишга қараганда ишларнинг ҳақида гапирганда, биринчи галда, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш масаласини алоҳида айтиб ўтишимиз ўринлидир.

Охириг йиллар давомида фойдаланишга топширилган 243 километр узунликдаги Туюлйўли - Нукус, 112 километр узунликдаги Нукус - Тахтақўприк сув узатиш тармоқлари бу борада гоҳ тўққиз ва гоҳ беш қисмига қўшиб келаятган Ўзбекистон Қўриқлари Анисия Саидова, Алланиёз Утениёзов, Тўлепберген Каипбергенов, улар қаторида Алимбай Мамутов, Турсунбай Ешжанов, Собир Камол, Ибрайим Юсупов, Жўлдасбек Куттимурадов, Муяссар Раззоқова, Кенесбай Сержанов, Гулхатича Айимбетова, Элиза Айтниязова каби унлаб ишлар чикариш соҳаси, илм-фан ва маданият намоёндаларининг номларини хурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз.

Муҳтарам юртдошларим! Биз бугун бетакрор қиёфа касб этиб бораётган кўпмиллатли Нукус шахрини йирик санаят, илм-фан ва маданият маркази, дўстлик ва биродарлик шаҳри, деб таърифлаймиз. Ва албатта бу таърифларнинг барчаси мустақам ҳаётини асос ва заминга эга.

Буни ҳозирги вақтда Нукусда Фанлар академияси ва Бадий академиянинг филиаллари, Қорақалпоғистон давлат университети, қатор институтлар, қирққа яқин академик лицей, ўнлаб касб-хўнар коллежлари, театр ва музейлар халқимизнинг маънавий-маърифий юксалиши йўлида хизмат қилаётгани ҳам тасдиқлайди.

Бутун халқимиз сингари қорақалпоқ эли ҳам нафақат бугунги ҳаёт, балки эртанги кунимиз, истиқбол орамузи билан, барчамизнинг таянчидир ва суянчимиз бўлган жондан азиз фарзандларимизнинг тақдирини ва келажагини ўйлаб яшамокда.

Шу маънода, Нукус шахрининг ўзига хос ва ўзига мос яна бир хусусияти ҳақида гапиргани ўринли, деб билман. Бугунги кунда шаҳар аҳолисининг 65 фоизини 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади.

Бу ерда ҳар ўн нафар фуқаронинг бири, таъбир жоиз бўлса, талаба бўлиб ҳаёт кечирмоқда. Ва бундай ҳолат бу навқирон шаҳарнинг келажагидан, катта имкониятларга эга эканидан далолат беради.

Шу заминга хос, барчамизнинг ҳайрат ва ҳурматини, завқини уюлгандаги яна бир белги-айомат борки, у ҳам бўлса, мана шундай оғир ва мураккаб, ҳар қандай одам ҳам бардош беролмайдиган бир шароитда қорақалпоқ ёшларининг билимга, етук инсон бўлиб вояга етишга қатъият билан интилаётгани, халқаро фан олимпиадалари ва нуфузли жохон мусобақаларида қатнашиб, юксак марраларни эгаллаб келаятганидир.

Истиқболимиз тимсоллари бўлган Алишер Санатул

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида

(Боши 1-бетда)
Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир Намунавий пудрат шартномаси; Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, объектлар қурилишини марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошираётган вазириликлар ва идоралар 2004 йил 1 июлгача капитал қурилиш бўйича бюджет буюртмачиларининг фаолият кўрсатиб турган ҳудудий хизматларини (бошқармалар, бўлимлар, дирекциялар) туғатсин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида марказлаштирилган манбалар ҳисобига маблағ билан таъминланаётган объектлар қурилиш учун ягона буюртмачи хизматларини ташкил этсинлар.

Объектларни марказлаштирилган манбалар ҳисобига қуришда ягона буюртмачи ҳудудий хизматининг намунавий турзилмаси ва Ягона буюртмачи хизмати тўғрисидаги намунавий низом маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2004 йил 1 январдан бошлаб ягона буюртмачи хизматларининг штат жадваллари ва таъминотга харажатлар сметаси белгиланган тартибда мажбурий рўйхатдан ўтказилиши таъминлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси 2003 йил 1 декабрда бўлган мuddатда лойиҳа-қидирув ишлари қийматини шартномавий жорий нархларда белгилансин

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Тошкент шаҳри, 2003 йил 12 сентябр

И.КАРИМОВ

Ислоҳот одимлари

ЯНГИЧА ИШЛАШ САМАРАСИ

Юртбошимизнинг кишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари юзасидан чиқарган Фармонларидан сўнг фермерчилик ҳаракатида янги босқич бошланди. Эндиликда мулкчиликнинг янги шаклига ўтиб ишлаётганларга хизмат кўрсатувчи идоралар ёрдам қўлини чўшмоқда. Қўллаб раҳбарлар ҳам бунёдкорларга қайиша бошладилар.

Бугун туманимизда 300 га яқин фермер жамоалари фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 17 таси бизнинг хўжалик ҳудудига жойлашган. Илгари «Бухоро» деб номланган ширкат хўжалиги базасида ўнлаб янги-янги фермер жамоалари пайдо бўлаётди.

Бундан 5-6 йил илгари фермер хўжаликлари туман ишлаб чиқаришда айтарлиқ тилга олинмаган бўлса, ҳозир бирор йилги йўқди, улар ҳақида илиқ сўзлар айтимокда. Пахта ва галла еттиштиришдаги фермерлар улushi 45 фоизга кўпайди. Мева,узум, сабзавот, полиз

маҳсулотларининг асосий қисми ҳам фермерлар зиммасига тўғри келаятди. Ҳозир, истаги асосида фермерларнинг кўпал хайрли ва олижаноб ишларнинг ҳам этакини тутмоқдалар. Ишга киришганимизга 5 йил тўлди. Аввалгига фақат пахта етиштириш эвазигагина даромад олиб келаятган бўлса, ҳозир 4-5 хилдаги маҳсулот етиштиришнинг уддасидан чиқаяпмиз. Ишчиларнинг сони 10 нафарни ташкил этади.

Уртача маош 35 минг сўм. Йил охиридаги даромад билан қўшиб ҳисобланганда бир ходимга йилига тўғри

келаятган ялли даромад 300 минг сўмдан ошади. Гектаридан 65 центнердан дан топширидик. Пахтадан 40 тонналик хирмон уйишни дилга тутаиб турибмиз. Техника воситаларида унумли фойдаланиш, агротехник тадбирларини ўз вақтида баҳарлаш эвазига баракали ҳосил етиштириб, дурустгина даромад қилмоқдамиз.

Байрам арасида тўкин дастурхон ёзиб, маҳалла тўйини нишонланган. Тантаналар гоҳта қизқарай ўтди. Бахшулла Мусоев, Жўра Саломов, Ўлмас Ботиров, Мавжуда Бойматова сингари илгорларни муноси тарзда рағбатлантирдик. Яқка-ёлғизлар ҳам эътиборимиздан четда қолмади.

Иззат ИБРАГИМОВ, Когон туманидаги «Ибрагим-98» фермер хўжалигининг раҳбари

МУРУВВАТ УЙИНИНГ СПОРТ МАЖМУАСИ

Пойтахтимиздаги 1-Мурувват уйда спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Иншоотни барпо этишда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, бир қатор ҳомий ва халқаро ташкилотлар хисса қўшди.

Спорт мажмуасининг очилиш маросимига сўзга чиққанлар мамлакатимизда тиббий кўмакка муҳтож болаларни даволаш, уларнинг илим олиши, жамиятда ўз ўрнини топиши учун барча шароитлар яратиб берилаётганини таъкидлади. Эндиликда мурувват уйи тарбияланувчилари спортнинг волейбол, баскетбол, теннис, энгил атлетика, мини футбол каби турлари билан шуғулланиши имконига эга бўлди.

Масканимизда тарбия топаётган болалар гарчи тиббий кўмакка муҳтож бўлсалар-да, бироқ, билим олиш, спортга интилишда бошқа тенкурларидан қолишмайди, - деди 1-Мурувват уйи директори Татьяна Саидова

Ушбу кўтлуг ва ҳаяжонли лаҳзаларда Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотини сиз, ҳурматли, азиз юртдошларимизга топшириш менга чексиз қувонч бағишлайди.

Бу юксак мукофот барчангизга муборак бўлсин, Нукуснинг шон-шухрати янада зиёда бўлсин.

(93А)

Касаба уюшма ҳаёти

Яқинда «Гўзал» даҳасидаги Хамза маҳалласида ўтказилган тадбирда катнашишга тўғри келди. У Наманган шаҳрининг шимолий ҳудудида, 15-20 йил олдин зоғ ўчмаган даштлик ўрнида пайдо бўлган ва ҳозирда гуллаб-яшнаётган маҳаллалардан бири. Бу ердаги мухташам уй-жойлар, майший тармоқларнинг кўпчилиги истиклолдан сўнг пайдо бўлган. Чойхона, болалар боғчаси, саломатлик тармоқлари аҳоли хизматида.

МАҲАЛЛАГА ЁРДАМ тармоқ келишувларида ўз аксини топди

— Бундай қулайликлар яратилишида касаба уюшмаларининг, хусусан, ҳудудий келишувлар аҳамияти катта бўляпти, - деди бизга ҳамроҳлик қилган шаҳар ҳокимлигининг вакили.

Кейинроқ вилоят давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма вилоят кўмитасида бўлганимизда, юқорида номи тилга олинган маҳаллага кўрсатилган ёрдам шакли ва босиниси изоҳлаб беришди.

— Юртбошимиз ташаббуси билан 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинган, биз бу масалани ҳудудий келишувларга алоҳида банд сифатида киритганимиз, - дейди тармоқ касаба уюшма кўмитасининг ташкилий ишлар бўлими мудири Дилором Жўрабоева. — Шунга кўра ушбу маҳалла вилоят давлат мулкисини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳамда касаба уюшма тармоқ кўмитаси томонидан тегишли маблағ ажратилиб, ободончилик бўйича ёрдам кўрсатилди. Худди шунингдек, вилоят «Иқтисодстат» бошқармаси томонидан эса «Гўзал-1», «Гўзал-2» маҳалла фуқаролар йиғинларидан истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларга ёрдам берилди.

Умуман, тармоқ кўмитаси таркибиди 11 туман ва 262 бошланғич касаба уюшма ташкилотлари бўлиб, уларнинг иш режалари бошдан-оёқ ишловини ижтимоий муҳофаз қилишга, жумладан, барча соҳада аҳолининг яшаш шарт-шароитини яхшилаш, ишловчи ва унинг оила аъзоларини соғлиғини сақлаш ва муштаҳамлашга қаратилган. Жумладан, вилоят молия бошқармасида ходимлари соғломлаштириш мақсадида ҳафтаин икки кунда спорт соатлари ташкил этилган.


Ж.ОБИДОВ

«ОСИЁ ЭКСПРЕСС» ШАРБАТЛАРИ

Янгийўл тумани киз меҳнат қилмоқда. Халққобод кўргонидидаги «Осиё Экспресс» мевани кайта ишлаш акционерлик жамиятида бугунги кунда барча тадбирларга мос келадиган мева шарбатлари тайёрланмоқда. Шу кунларда ишлаб чиқариш жараёни бир маромда давом эттириляпти. Корхона замонавий ускуналар билан таъминланганлиги туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди, сифати яхшиланди. Италиянинг FENCO технологияси асосида жиҳозланган бу корхона бир соатда уч-тўрт тонна мевани кайта ишлаш қувватига эга. Ишловчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ишчилар бепул иссиқ овқат ва ишга келиб-кетилари учун транспорт воситаси билан таъминланган. Ҳозирги кунда корхонада 280 нафар йигит-

киз меҳнат қилмоқда. Моддий манфаатдорлик иш натижасига богли бўлган тартибининг ўрнатилиши корхона учун ҳам, ишчи-хизматчилар учун ҳам фойдали бўляпти.

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.



Илгари хабар қилинганидек, «Юртбошимиз Мустақилликнинг 50 йиллиги байрами муносабати билан Ватанимизнинг илгор, фидойи кишиларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонга имзо чеки. Бундай юксак мукофотга сазовор бўлганлар орасида Жиззах вилояти тиббий реабилитация шифохонаси бош шифокори Александр Сафонов ҳам бор. У «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланди.

А.Сафонов 1973 йили Тошкент Давлат тиббий институтини муваффақиятли тугатиб, йўлланма билан Сирдарё вилоят марказий шифохонасига ишга келди. Самарали меҳнати туфайли тез орада янги ташкил этилган Мирзачўл туманидаги марказий шифохона бош ҳақимининг даволash ишлари бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди.

У бу ерда ўзининг ҳалол меҳнати, малака ва тажрибаси билан эл меҳрига сазовор бўлди. Мирзачўликлар ҳали-ҳануз у ҳақида гапирганда, «Александр Михайловичдан ўтадиган терепевт-врач йўқ», - дея илқ фикрлар билдиришади.

Ҳаёт кунуочу ташвишларга тўлиқ. У баъзан инсоннинг иродасини машаққатли синовдан ўтказиши. Александр ҳам ана шундай ҳаёт синовларидан мардондор ўтган фидойилардан. У бундан 20 йил бурун автохалокат туфайли мажруҳ бўлиб қолди. Икки ойдан ажралган шифокор ҳаёти тақдирининг аёвсиз ҳукмига ташлаб қўймади. Дўстлари, ҳамкасблари кўмағида яна сеvimли касбига қайти. Унда ЭКГ кабинети очиб беришди. Чунки, у бу илми шундай эгаллаган эдикки, билимгина таш берган мутахассислар ҳатто Россия ва бошқа республикалардан хузурига келишарди.

1999 йили фаолияти тўхтаб қўйилган Мирзачўл туманидаги Жиззах вилояти тиббий реабилитация шифохонаси қайтадан очилди. Унга Александр Сафонов бош шифокор этиб тайинланди. Мана, орадан тўрт йил ўтди. Шу йиллар мобайнида бу ерда 6 минг нафардан зиёд бемор саломатлиги тикланди.

Улардан қарий 3 минг нафари кексалар, ногиронлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож турли тоифадаги кишилардир. Аини кунда шифохонада ногиронлар саломатлигини тиклашга мўлжалланган 50 ўринли ва бошқа касаллар даволанадиган 150 ўринли бўлим фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда ошқозон-ичак, жигар, асаб, юрак, бел оғриғи ва бошқа касалликка чалинган беморларга тиббий хизмат кўрсатилади. Улар асосан физиотерапия муолажалари, яъни электрофарез, ультратовуш, магнитотерапия, ванна-душ, уқлаш, парафин, балчиқ, игна билан даволанади. Сихатгоҳнинг бошқа шифохоналардан афзаллиқ томони шундаки,

бош ситир, 100 та парранда парвариши қилинапти. Ошқозонга ҳар кун сут, туҳум ва парранда гўшти етказиб берилмоқда. Сихатгоҳ ҳудуди 15 гектарни ташкил этади. Унинг 7 гектариди бог барпо этилди. Олма, ўрик, шафтолди каби мевалар, помидор, бодиринг, қўқталар шу ернинг ўзиди етиштирилади. Бундан ташқари, беморларга шифобахш парҳез гўшти етказиб бериш ниятида бу ерда балчиқлик йўлга қўйилди.

Туман ҳокимлиги ҳамда ҳомиёларнинг сай-ҳаракати билан шифохона ҳудудиди жада катта ҳажмда тамирлаш-қурилиш ишлари олиб борилди, - дейди бош ҳақим А.Сафонов. — Биноларни тўлиқ таъмирдан чиқардик. Тиббий сауна, душ-

«Меҳнат шухрати» ордени соҳиблари

унинг ҳудудида минерал сув захираси мавжуд. Шифо мақсадида айниқса, нуронийларга алоҳида ҳурмат билан хизмат кўрсатилади. 20 та шинам ҳоналар қарйалар учун ажратилган. Барча шарт-шароитларга эга бўлган нуронийлар даволанадиган хоналарда радио, телевизор ҳатто шаҳарлараро телефон хизмати йўлга қўйилган.

Шифохонада давлат бюджетидан ташқари қўшимча маблағ топиш йўллари ҳам изланаёпти. Ердамчи ҳўжалик ташкил этилиб, унда 4



ган оёқ ва бел оғриғидан мени фориг қилди. Унинг муолажалари туфайли ўзимни соғлом ва бахтиёр ҳис қиламан.

Ёқуб Алматов, Арнасой тумани:

— Мануалтерапия деган муолажанинг фойдасини биринчи марта шу сихатгоҳда сездим. Бемор учун бироз оғриқли, шифокор учун меҳнатталаб бўлса-да, шифобахшлигига тан бердим. Танамдаги оғриқлар тўхтади. Сихатгоҳнинг «Беморлар дастхати» кимтибиди бундай ёзувлар, самимий миннатдорчиликлар, шифокорлар ҳақидаги эътирофлар жада кўп. Уларни ўқиб, А.Сафоновга берилган юксак мукофот ўз эгасини топганига амин бўлдим.

— Бу мукофот, биргина менга эмас, бутун жаомамизга берилган ишонч, деб ўйлайман, - дея сўхбатни давом эттиради у. — Мендай ногиронга гамаҳу ва меҳрибон ҳукуматимизга чўқур миннатдорчилик билдираман.

Бўрибой НОРКУЛОВ, «Ишонч» муҳбири

САДОҚАТ

ёхуд ногиронлар аравачасидаги шифокор фаолиятига бир назар

бош ситир, 100 та парранда парвариши қилинапти. Ошқозонга ҳар кун сут, туҳум ва парранда гўшти етказиб берилмоқда. Сихатгоҳ ҳудуди 15 гектарни ташкил этади. Унинг 7 гектариди бог барпо этилди. Олма, ўрик, шафтолди каби мевалар, помидор, бодиринг, қўқталар шу ернинг ўзиди етиштирилади. Бундан ташқари, беморларга шифобахш парҳез гўшти етказиб бериш ниятида бу ерда балчиқлик йўлга қўйилди.

Туман ҳокимлиги ҳамда ҳомиёларнинг сай-ҳаракати билан шифохона ҳудудиди жада катта ҳажмда тамирлаш-қурилиш ишлари олиб борилди, - дейди бош ҳақим А.Сафонов. — Биноларни тўлиқ таъмирдан чиқардик. Тиббий сауна, душ-

Келинг, у ишлаётган шифохонада даволаниб кетган баъзи беморларнинг қалб сўзлари битилган дафтарини кўздан кеçирайлик.

Замон Қурбонов, Дўстлик тумани:

— Александр Михайловичдан бир умр миннатдорман. Йиллаб азоб бериб келаят-

Бор бўл, оқибат!

МЕҲР-ШАФҚАТ ТИМСОЛИ

Ижтимоий ҳимоя давлатимиз сиёсатининг асосий тамойилларидан бири. Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Қашқадарёда ҳам кам таъминланган оилалар, ёлғиз қарйалар ва ногиронларга гамаҳулик кўчатирилади.

Қарши шаҳрида минга яқин ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар яшайди. Шаҳар ҳокимлиги, касаба уюшмалари кенгаши, фуқаролар йиғинлари улар ҳолидан ҳамшира хабардор. Рўзимат Гойибов номи жамағара ҳомиёллигида Хонтепа маҳалласида яшовчи оилалардан 120 нафарига 300 минг сўмлик моддий ёрдам уюштирилди. Бундай хайрли ишлар «Самарқанд», «Карлуқхона», «Кунчиқар», «Ойдин», «Шайли» маҳаллаларида ҳам амалга оширилди.

Косон туманида ўзгалар ёрдамига муҳтож кишилардан олти нафарига ногиронлар аравачаси, 14 тасига эшитиш мосламаси топиширилди. Чирқочиди ҳомиёллар томонидан 75 та оилага 400 минг сўмлик ёрдам уюштирилиб, 125 тасига 4 тонна бугдой берилди. Туман ҳомиёллиги вакиллари марказий шифохонада даволанаётган беморлар ҳолидан хабар олиб, 62 минг сўмлик ёрдам кўрсатдилар.

Фузур тумани ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Абдирайим Абдуллаевнинг таъкидлашича, 435 нафар кам даромадли оилаларга 1,5 миллион сўм, 5 миллион сўмлик қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, 120 минг

сўмлик дарслиқлар тақдим қилинган. 135 нафар кўзи ожиз ногиронларга Оқсарой «ойхонасида» даструхон тузалиб, 245 минг сўмлик совға-саломлар улаштирилган. «Истиклол», «Бўстон», «Фузур» ва Меъли Раҳмонов, Улугбек номи ширкат ҳўжаликлари юздан ортик кам таъминланган оилаларнинг ҳар бирига 70 килограмдан бугдой тарқатган.

Бундай эзгу ишлар Китоаб, Яққабов ва Деҳқонобод туманларида ҳам мунтазам равишда амалга оширилмоқда.

Миршикор туманидаги «Ўзбекистон Қаҳрамони» Муродулла Саидов раҳбарлик қилаётган «Жейнов» ширкат ҳўжаллиги меҳнат ютуқларидан бутун мамлакат бохабар. Жамоада ижтимоий ҳимоя ҳам яхши йўлга қўйилган. Хусусан, ёрдамга муҳтож оилаларнинг болаларига 1,5 миллион сўмлик дарслиқлар, 2 тонна дон, 500 килограмм ўсимлик мейи, 50 нафарига кийим-кечаклар тортиқ қилинди. Тумандаги Маҳтумқули, Сулаймон Муродов номи, «Янгиобод», Гафур Фулом, Рўзимат Гойибов номи, «Чандир» ҳўжалликларида ҳам бундай хайрли ишлар амалга оширилган.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак. Меҳр-муруватли, оқибатли кишиларнинг ҳиммати элни мамнун этмоқда.

И.ИСОМИДИНОВ

Огоҳликка даъват

Бухоро вилоят ички ишлар идоралари ходимлари жамоат тартибини сақлаш, ақидарастлик, терроризм ҳуружидан огоҳ бўлиш моддий товар бойликларни ноқонурий олиб қилиши ва четга чиқариб юборилиши, турли қуриниш ҳақидаги жиноятчиликка, қарши курашни кўчатириш мақсадида ўтказилаётган «Тозалаш» тезкор профилактик тадбирларига алоҳида қилишларининг олдини олишга эътибор берилди. Шу мақсадда ўтказилган тадбир натижасида Ф.Ҳўжаев тумани солиқ инспектори Р.Очилов хизмат хонасида нафақахўр М.Турдиевандан унинг «Адолат» кичик корхонасини тугатилиши таъминлаб бериш эвазига 100 минг сўм пулни пора сифатида олаётганида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

«ТОЗАЛАШ» САМАРА БЕРДИ

Бундан ташқари «Самоний» дехқон бозори бошқаруви раисининг ўринбосари Ж.Зоиров хизмат хонасида Ромитан тумани Ф.Қурбон ширкат ҳўжаллигида яшовчи Л.Қурбоновдан савдо расчасидан жой расийлаштириб бериш эвазига 60 минг сўм пулни пора сифатида олаётганида ушланди. Мазкур тадбирда фаол иштирок этаётган профилактика инспекторлари зиммасига ҳам алоҳида вазифарлар юклатилди. Улар ички ишлар идораларининг профилактик хисобиди турувчи жиноят содир этишга мойил шахслар устидан назоратни кўчатириш, ичкиликка муҳассадан кетган шахсларни, гиёҳвандларни аниқлаб тегишли чораларни қўрилади.

Бухоро вилояти ИИБ Хўқубзарликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Ш.РЎЗИЕВ, ИИБ ходими.

У.САЛИМОВ

TV schedule for Toxkent, Dushanbe, and Seshanba. Lists channels like 'Eshlar' and 'Uzbekiston' with their respective programs and times.



Бу йил Қарши Давлат Университетига қабул жараёнида ғайри табиий ҳодиса рўй берди. Олийгоҳ тарихида биринчи марта ўн бир ёшли талаба ўқишга қабул қилинди.

Олис Жейнов кишлоғида туғилиб ўсган, кейинчалик Қарши шаҳридаги 23-ўрта мактабда тахсил кўрган Хилола Саидова дорилфунуннинг хорижий тиллар факультетига тест синовлари орқали ўқишга кирди. Хилола ёшлигидан ўз иқтидорини намойиш қилди. 1998 йилда биринчи синфга борди ва бирдангина бешинчи синфга ўтказилди. Мактаб пиллапоёларини пешма-пеш босиб ўтган зукко ўқувчи жорий йилда умумтаълим мактабининг ўн биринчи синфини аъло баҳоларда тугаллади. «Ўзбек тили ва адабиёти» фанидан ўтказилган танловнинг мамлакат босқичида совринли ўринни эгаллади. «Ўзбекистон – азиз ватан» кўрик – танловда рес-

публика голиби бўлди. Ўзига пухта билим бергани ва маънан қўллаб-қувватлагани учун она тили фани муаллимаси Хафиза Очиловадан бениҳоя миннатдор. Иқтидорли қиз билим чўққиларига дадил интилаётди. Хилоланинг 2001 йилда «Насаф» нашриётида «Таъзим», 2002 йилда «Чўлпон» нашриётида «Шукрона» шеърӣ тўпламлари чоп этилган. Ёш шoirанинг назмий битиклари Ватан ва онага муҳаббат, табиатни улуғлаш, истик-

ЎН БИР ЁШЛИ ТАЛАБА

Иқтидор

логга садоқат туйғулари билан суғорилган. – Хилола ўзининг зукколиги, зирқлиги ва билимдонлиги билан бошқалардан аж- ти. Хамкурслари Регина Юсупова, Леонид Рябов, Айсел Акперова, Анна Анкасовалар билан биргаликда машғулотларда фаол қатнашди. Хилоланинг онаси – Қарши шаҳар тўғруқхонаси врач Калола Саидова, отаси – ички ишлар бўлими ходими Шухрат Ҳайдаровлар оилаларида билимли ва иқтидорли фарзанд камол топаётганлигидан бахтиёр. – Олийгоҳни тугатган, Тошкентдаги халқаро дипломатия Университетига ўқишга кирмоқчиман, – дейди Хилола Саидова. Хилола бўш вақтларида спортнинг теннис тури билан шуғулланади, фортепиано чалади. Умуман, ҳар бир дақиқани мароқли ўтказишга одатланган.

ЕЛҚИН



ОТАХОНЛАР ГУРУҲИ

НИМ ТАБАССУМ

Пьесанинг биринчи пардаси тугаши биланқоқ залдан чиққан бир томошабин кассирнинг олдига бориб, пулни қайтариб беришни талаб қилди. – Нима, пьеса ёқмади-ми? – Ёқди. – Булмас нега кетяп-сиз? – Бир ўзим томоша залда кўрқяпман... * * * Ёш расом машҳур танқидчига мурожаат қилди: – Сиз ҳозиргина кўргазмада кўриб чиққан суратни мен чизганман. Шу сурат қаҳида нима дея оласиз? – Бу суратни чинакам санъат дейиш қийин... – Нега энди! Ахир мен бу суратни кечагина беш минг франка сотдим-ку? – Мана бу ишингизни чинакам санъат деса бўлади... * * * Бир математика ўқитувчиси деди: – Ҳа, дўстларим, ҳаётда ажайиб математик ўхшашликлар учраб туради. Масалан, мен тугилган кунимга уйимнинг телефон номерини кўпайтириб, ҳосил бўлган сондан хотинимнинг ёшини олиб ташласам, бизнинг уй номери келиб чиқади... * * * Врач ҳарбий хизматга қақирилган йигитнинг ақлий қобилиятини текширяпти. – Бир кулогингни кесиб ташласам нима бўлади? – Эшитолмай қоламан. – Иккинчисини ҳам кесам-чи? – Кўролмай қоламан. – Нега энди? – Каскам тушиб кўзимни тўсиб қўяди. * * * Мухбирни сайлов йиғилишига юборишди. Мажлис тугаши билан мухбир муҳаррирга қўнғорди қилди. – Ҳўш, номзод нималар деди? – деб сўради муҳаррир. – Ҳеч нарса. У хатто озгини ҳам оқмади. – Жуда яхши, менга ҳаммасини икки бет қилиб топширинг.

Хотира уйғонса гўзалдир

Умрни гоҳ қақинга, гоҳида эса оқар дарёга ўхшатишди. Умр аслида, жисмларнинг кетиб, исмларнинг қолишидир. Бутун умр яшаб инсондан ибратга ариғлик бир ном қолмас- ундай инсон бу дунёда яшамаган қабиридир. Эгам Раҳим ана шундай ибратга, эҳтиромга лойиқ инсонлардан. Шоир гоҳат қисқа, аммо сермазмун ҳаёти давомида ўнлаб асарлар яратишга ҳамда қалбларга эзгулик, меҳр урғини эқшига улгурган. «Янги қалам», «Бахт йўли», «Нур дарёси», «Кўшенимсан Хоразм», «Жайхун қўшиқлари» сингари китоблари билан ўқувчилар қалбига кириб борди.

ҲАССОС ҚАЛБГА ЭҲТИРОМ

Ҳар бир шоирнинг бошқаларга ўхшамайдиган, унинг ижодий салоҳиятини намоян этувчи, фақат ўзигагина хос бўлган жиҳатлари мавжуд бўлади. Эгам Раҳимнинг шеърларидан, издошлари хотирасидан унинг ўзгачага ўхшамайдиган ўзига хос бир аълолини илғаб олиш мумкин. У ҳассос қалб эгаси. Ҳаётнинг нозик гўзалликларини теран ҳис этади. Келажакка ёрқин кўз билан қарайди. Бахтни меҳнатда кўради: **Ҳаловат, фароғат, шухрат, шараф-шон Бариси меҳнатда, меҳнатда-ҳаёт,** дейди шоир. Унинг ҳар бир сатридан куч-ғайрат, покиза бир танги қалбнинг миллат ва халқ учун фидокорлигини илғаб олиш осон. Лирик қаҳрамон шоирнинг ички дунёсини-руҳиятини ошқор этувчи воситадир. Шунга кўра айтиш мумкинки, Эгам Раҳим шеърларининг қаҳрамони унинг ўзи сингари оққунгил, камтарин, оташ-юррак, меҳнатсевардир. Буни ижодкорнинг сатрларидан ҳам билса бўлади.

Одавий бўл, одавийликдир хусн, Қолгай ўтган изларингда яхши ном. Хизматингдан эл аро ҳар лаҳза, кун, Мансуб этгай сенга ҳурмат-эҳтиром.

Эл билан бўлгин элинг ҳамхонадир, Дилда чўғ бўлгай мудом ташвиши. Элу юртинг ҳам ота, ҳам онадир, Элга хизмат чин одавийлик иши.

Эгам Раҳим нафақат шоир, балки серғайрат драматург, оташ-нафас публицист ҳам эди. Қарийб чорак аср умрини «Хоразм ҳақиқати» газетаси таҳририятида ўтказган серқирра иқтидор эгаси Эгам Раҳим Азиз Абдураззоқ эсдаликларида ёдга олинганидек, ушайгина ҳофиз ҳамдир. Сўз билши ва сўз сўзлай олиш орасида катта фарқ бор. Шоир жимжимдор, сараланган сўзларни сатрга тизмайди. Содда, раво, самимий тил билан дил тўғўнларини ўқувчига етказиб олиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. «Кўзга суртиб хур Ватанинг ҳар сиким тупроғини», «Эй шарқнинг маёғи, хур Ўзбекистон», «Дилга илҳом, шеърга ном, қўлда торим Хоразм» мисраларида Эгам Раҳимнинг Ватансевар, элсеварлиги ўз ифодасини топти. Эгам Раҳим яхшигина таржимон эди. У Иброҳим Юсуповнинг «Хоразмлик туғишганларга», Майя Борисованинг «Уста Усмон», Виктор Урининг «Қизилқумни чўл демайман» сингари ўзбек халқининг дидига, бадий завқига, турмуш тарзига мос шеърларини топиб таржима қилган. Эгам Раҳимни, агар ўринли бўлса, оғир улкан тошга ўхшатмоқ керак. Бундайлар сувага тушса чўқди, аммо сувнинг сатҳини кўтарди. Эгам Раҳим ҳам оғир-босиқ, камтарин, сермулоҳаза, сув тубидаги бебаҳо гавҳар каби ҳамиша ардоқлидир.

Дилшод КАМолов

ЁШЛАР ТУРНИРИ ЯҚУНЛАНДИ

Ёшлар ўртасида «Фарғона кубоги» халқаро теннис турнири ниҳоясига етди. Бир ҳафта давом этган қизиқарли баҳсларда юрдошларимиздан ташқари, Россия, Исроил, Ҳиндистон, Украина, Қозоғистон, Қирғизистондан келган 64 нафар иқтидорли теннисчи ўзаро куч синашди.

Мусобақанинг қизлар ўртасида кечган жуфтлик учрашуварларида ўзбекистонлик Элина Аружунова ва корейлик Синг Юнг Юннинг қўли баланд келди. Улар ҳал қилувчи баҳсда россиялик опа-сингил Анастасия ва Екатерина Белиноваларни доғда қолдирди. Ўсмирлар ўртасидаги мусобақаларда ўзбекистонлик Владислав Шигаев ва Арсен Асанов жуфтлиги голиб чиқди. Улар финал учрашуварда Ҳиндистонлик Либер Хан ва қозоғистонлик Юрий Агаатов устидан зафар қўчди.

Яқкалик баҳсларида ўзбекистонлик Людмила Яқшабаловага тенг келадиганлар топилмади. Ўсмирлар ўртасида эса Ҳиндистонлик Либер Хан галаба қозонди.

(ЎЗА).




Гўзал ва навқирон Нукус шаҳрининг етмиш йиллик юбилей тўғи тантаналари бўлиб ўтмоқда. Айни кўнларда шаҳар ҳақиқий байрамона тусга кирган. Бир-бирдан чиройли ва кўркам биноларнинг қад ростлаши ҳамда бог-роғлар яратилиши бу ерда катта байрам шодийналарига ўзгача бир кўрк бағишламоқда.

Суратларда: Нукус жамоли Р.ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган суратлар

«САМАК АЙЁР» ҲИҚМАТЛАРИДАН

Шакар ширин, вале бу сирга сен боқ- Касални шакармас, тузатар тарёқ. * * * Агар-чи, гул суви хушбўйдурур, бас – Арик сувича ул чанқоқ босолмас. * * * Жувонмардликнинг шартлари бисёрдур. Энг муҳими иккита. Бир – бироваг ном бериш, иккинчиси – бировнинг сирини сақлай билишдир. * * * Тўғри сўзлаш ҳам мардлик белгисидир. * * * Жувонмардлик эркакларга хос хусусиятдир. Агар хотин ҳам жувонмардлик эта олса, у ҳам марддир. * * * Дунёда ростўйликдан олижаноб иш йўқдир. * * * Кўнгил тўридан шайтонга жой бериш – айёрпешалар иши эмас. * * * Йигит эллик ёшида йигитлик касб эта олади.



ЦИКЛОКРОССВОРД

Белгиланган хонадан рақам атрофида соат миля йўналишида: 1.Оила қувончи. 2.Езувчи Соҳиб Жамолнинг «Гули сиев» романи қаҳрамони. 3.Ўзбек халқ қасди. 4.Кичик ҳарбий қисм. 5.Ток қуватини ўлчови бирлиги. 6.Самолёт зинаси. 7.Шеърӣ вазн тури. 8.Ижод махсули. 9.Давомли, узок. 10.Бегона гиеҳ. 11.Кимёвий элемент. 12.Ҳинд-Европа халқларига берилган умумий ном. 13. Қозоғистондан оқиб ўтувчи дарё. 14.Хўл мева. 15.Иззат Султон драма. 16.Тарихий драма номидан «Карл...». 17.Муаммони ҳал этиш тадбири. 18.От-улов абзали тури. 19.Волга дарёси ирмоғи. 20.Қишлоқ хўжалиги қуроли. 21.Сув билан ўралган қуруқлик. 22.Дурадгорлик асоби. 23.Россиянинг узокшарқ ҳудудидаги вилоят маркази. 24.Ег тури. 25.Гул. 26.Осиё қиъаси жанубидаги мамлакат. 27.Европадаги давлат пойтахти. 28.Бирор нарсанинг таянч қисми. 29.Мейбел тури. 30.Харир газлама. 31.Давъаткор сўз. 32.Оренбург вилотидаги сановатлашган шаҳар. 33.Мадааний муассаса. 34.Умид, истак. 35.Суюқлик ўлчови бирлиги. 36.Шифобахш восита мажмуи. **Ҷозилжон ОРИПОВ тузди**

– Маратов, ҳов Маратов, унчалик эмас-да! Овоз чиққан тарафга алангадими, аввалгига меними ёки бошқа бировни қақирптимми, ажратолмасдан ҳайрон бўлдим. Фамилиям Муродов, бунинг устига чойхона айвонидаги қаравотда ўтиргайлар орасида танишим кўринмасди. Четга қўйилган қаравотда ўтирган одам ўрнидан кўзгалди. – Уртоқ Маратов, танитай қоптиларми дейман? – Ие, бу овоз ахир Файбатилла, кечирасиз, Файратилла аканики-ку! Секин кулогингизга айтсам, идорадагилар ортидан «Файбатилла» дейишади. Дунёда биргина Файбатилла фамилиямни чалқаштириб Муродов ўрнига Маратов деб қақиради.

бушаган пиёлани нари сурди, товўқнинг оёғини эслатувчи чиллақидек бармоқларини мушт қилиб тугди, ажин қалашган шалапоқдек юзи тиржайди. – Қувватли қаранг, қувватини, ақаси, ҳали устолимни эгаллаб олган шумтақалардан ўнтасининг бурнини ерга ишқалаша етати! Уша йигитни яхши танийман. Оилада ёлғиз фарзанд. Кекса ота-онасини ташлаб олисада юришга виждони чидамади чоғи, аризасига би-

Сиз ишлаб юрган маҳалларда бурнини тортиб юради. Йигит ёнимизга етиб келганда, қўлини кўксига қўйиб ва хиёл эғилиб салом берди. – Вой тасқара-ей, – Файбатилла пешонасини тириштирди. – Сенга ким қўйибди олифтагарчиликни. Шляпа кийиб олганлари етмагандай, папка ҳам ушлаб олиптилар! Отанг бор-йўғи битта чўлоқ чол. Бошқармада ишласанг нима қипти! Вой тарбиясиз-ей! Чопқиллаб келиб, кўришиб кетсанг ўлармидин! Зоти паст-да! – Иши зарурроқ бўлса керак-да, – Файбатиллани юпатган бўлдим. Файбатилла қўлини жаҳл билан силтаб қўйди-да, чойнак ичига кўз ташлаб қопқоқни шижирлатди. Чойхоначи кўринмади. – Буларнинг икки пиёла доғ сувига шарақлатиб пул ташлаб турсанг, атрофингда парвона. Ао-лида, бу текинхўрларни бошлаб адабини бериш керак. Учинчи шеригим чойнакни қўлига олиб жойдан кўзгалди. У сал узоклашмасданқоқ Файбатилла ишпишди: – Шохига урсанг, тўғи зирқирайди. Бу гапни анавининг олдида беҳуда айтмадим. Чойхоначи-га қариндoш. Гапимга ичидан зил кетди. Сездингизми, оёғи қуйган товўқдек пилиллаб қолди. Файбатилланинг даврасига қўшилган ҳеч ким ҳеч қачон баҳра топмаслигини билмаган. Кўзгал-га ўғирилдим. Файбатилла мен ёққа ишора қиларкан, оқсоч шеригига нимандидир уқтирарди... – Сўхбат учун раҳмат, Файратилла ака, учрашганимдан хурсандман. Менга узр! – Йўғ-е, намуна ҳовликмасангиз? Хангома энди қизибтанди-ку! Чойхонадан узоклашарканман, беҳиётёр орт-мига ўғирилдим. Файбатилла мен ёққа ишора қиларкан, оқсоч шеригига нимандидир уқтирарди... **Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ**

ҚИТМИР Ҳажвия

ноан вилотдан ўз туманига юборилди. – Босиб бор, – Файбатилла мен томонга эғилиб шивирлади. – Хотинини уруғи ташкилотимиз бошлиғига қариндoш. Яна индамадим. – Чойдан ичинг, – деди Файбатилланинг шериги, сочлари оппоқ киши. – Гапта от солмасдан туринг! – Файбатилла шеригини жерқиди. Кейин тагин менга қаради. – Бу дейман... Файбатилла гапдан чалғиди. Кўзойнак остидан ўйнаб турган митти кўзалари тўсатдан кўнанинг нариги бурчаксига тиклиди. – Кўраясизми, ҳов анави, йўлқадан ўтиб бораётган шляпа кийиб олган олифтани. Қўлларига папка ушлаб олганларига ўлайми! Қарадим-у таний олмадим. На илож, тумандан кетганимга ўн беш йилдан ошди. Орадан қанча сувлар оқиб ўтмади дейсиз. Ушанда кўча чангига турган болаларнинг қўли ҳозир олий маълумотли басавлат кишилар бўлиб кетишган. – Қоровулимиз Абдурайим чўлоқнинг ўғли, – таний олманганимга даққи берди сўхбатдошим. –

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Мирғис Каюмов (бош муҳаррир), Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 00.10

Мансизимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ, Сотула эркин нарҳда.
«Шарқ» нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.